

Амир Темур Салтанатида Маданиятлараро Ҳамкорликнинг Устуворлиги

Жобборов Зокиржон Абдугаппор Уғли¹

Аннотация: Ушбу мақолада Амир Темур салтанатида турли миллат-у, элатларнинг ўзаро маданий ҳамкорлиги мисолида ўзбек халқининг қадимий мозий булоқларидан маънавий манфаат топганлиги ёритилган.

“Адлу эҳсон билан жаҳон гулишани обод бўлади” [1]

Амир Темур ва темурийлар томонидан асос солинган маданиятлараро ҳамкорлик анъанаси мустақил Ўзбекистонимизнинг маънавий юксалишида муҳим омил бўлиб ҳизмат қилмоқда. Бу тарихий ҳақиқат юртбошимиз Ш.Мирзиёев томонидан “Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз Оқсарой пештоқига “Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдорларнинг шиори” деган шиорни ёздиргани бежиз эмас, албатта. Ушбу улуғвор ғоя инсон қадр-қимматини олий даражага кўтариш борасидаги амалий ҳаракатларимиз пойдеворига айланади”[2], - дея таъкидлаганлари бежиз эмас.

Амир Темур даврида давлат бошқаруви, ҳарбий санъат шунингдек, илму- фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусика, шеърият халқлар тотувлиги йўлида улкан маънавий омил бўлиб ҳизмат қилди.

Тарихчи Ибн Арабшоҳ “Темур ҳар бир (фойдали) жонни атрофига йифиб, нимаики бўлса сарасини Самарқандга келтирди. Натижада Самарқандда ҳар бир ажиб фан ахли намоёндасидан ва санъатлар ғаройиб услубидан нишона бўлиб ўз тенгқурларидан устун турган, ўз соҳасида аллома кишилар йиғилган эди”[3], дея таъриф берган.

Амир Темур ва темурийлар даврида яшаган муаррихлар Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Мирхонд, Ибн Арабшоҳ, Муиниддин Натанзий ва бошқа қатор муаллифларнинг аксарияти воеа ва ҳодисаларнинг бевосита шоҳидлари сифатида жонли ва ишончли тарзда баён қилганлар.

1403-1406 йиллар мобайнида Амир Темур салтанатини ўз қўзи билан кўрган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг ёзишича, Амир Темур “Қайси бир мамлакатни зabit этган ва бўйсунтирган бўлса, уларнинг ҳаммасидан одамларни, Самарқанд ва унинг атрофидаги ерларга жойлаштириди. Шоҳ ҳар хил хунармадларни йигишга, айниқса, кўп ҳаракат қилди” [4], дея қайд этади. Бу албатта мамалакатда хунармандчилик, адабиёт ва санъат ривожига муҳим омил бўлиб ҳизмат қилди.

Шунингдек, “Шоҳ, - деб ёзади Клавихо, - турли томондан Самарқандга келтирилган ҳар хил тоифадаги эркак ва аёлларнинг ҳаммаси, айтишларича, бир юз эллик мингдан ошиқ бўлган. Булар орасида турқ, араб ва бошқа элатлар, арман христианлари, юнон католиклари, насронийлар, якобитлар ва юзи билан ўтга топинувчи ўзига хос мазҳабга эга бўлган кишилар ҳам бор эди”[5].

Турли мамлакатлардан олиб келинган санъат ахли Самарқанд шахри атрофларига жойлаштирилди. Натижада Самарқанд атрофида Дамашқ, Миср, Боғдод, Султония, Шероз номли қишлоқлар юзага келди. Бундай қишлоқлар Шахрисабз, Қарши, Бухоро атрофларида хам юзага келган.

XIV аср охирларида ёқ қурилишда бирга ишлаган маҳаллий ва келгинди меъморлар, усталар ўртасида ўзаро таъсир ва ўзига хос ижодий амалий бирдамлик юзага келган. Мусика, ракс,

¹ Наманган давлат университети, тарих йуналиши 3-курс талабаси, Навоий номидаги давлат стипендиантси, zokirjonjobborov1996@gmail.com



томуша санъатларида бундай бирдамлик ва уйғунликни янада мустаҳкамлаган. XV аср бошларидә ёк умумий бадији мактаблар шаклланган. Натижада наинки меъморчилик, наққошлиқ, ўймакорлик ва бошқа қатор хунарларда, балки мусаввирчилик, мусика, ракс, томоша санъатларида ҳам кескин юксалишлар ўз берган. Буни аксар олимлар уйғониш даври, темурйилар ренессанси деб атайдилар[6].

Шарофиддин Али Яздий “Зафарнома” асари муқаддимасида: “Жаҳоне эрур адлидин шодмон, Эрур дунёда шоҳи соҳибқирон”[7],

-дея васф этиб, байт шарҳи давомида “муборак кўнгилларида ва соадатманд хотиралариға кечтиким...форсий тил билан Темурбекнинг воқиъотини айтиб туур, ...то андин эл-улус фойда топқайлар”[8]. Али Яздий Амир Темур салтанати даврини нечоғлик улкан аҳамиятга эга эканлигини, бунда барча миллат-у элатлар унинг шарофати ва адолати байроби остида тинч ва осоишига ҳаёт кечирганликларини кўргани ва хотирасида қолганларини юксак бадији чизгилар билан ёзиб қолдирган[8].

Амир Темур салтанатидаги бундай ижтимоий маънавий муҳит албатта маданиятларо тутувликка асос солди. Шу туфайли Амир Темур ва темурйилар давлатида турли байрамлар, сайиллар, томошалар ўтказилиб келинди. Маъракаларда ҳар тоифа ижрочилар алоҳида - алоҳида тарабхона ва хосхона санъаткорларнинг аралаш гурухлари ўз маҳоратларини намойиш этишган бўлса, театрлашган сайиллар ва намойишларда минглаб ҳар хил ижрочилар қатнашган ва ўзаро беллашув натижасида ижтимоий маданий яқинлик муҳити юзага келган.

Хос базмларда мақом куйлари чалинган. Бу куйларга раққос ва раққосалар хиром этган, масхарабоз ва муқаллидлар кулдирган, байрамларда катта майдон ва маъракаларга яраша томошалар кўрсатилган. Майдон томошалари орасида от билан бажариладиган пойга, улоқ чопиш (кўпкари), отдан ағдариш, чавгон, қабоқ ўйин кабилар, ҳаққоний куч синови ҳисобланмиш кураш (гуштирилик), қилич, найза, гурзи ва бошқа жанговар курол ва аслаҳалар билан ўтадиган беллашувлар, шунингдек, қўчкор, хўрз уриштириш каби қадимий ўйин ва мусобақалар маданиятлар яқинлашувига асос бўлган.

XIV-XV асрлар Марказий Осиё халқларининг мусиқа санъати тараққиётида ҳам янги босқич бўлди. Янги куй ва кўшиқлар, чолғу асблоблари ва мусиқа назариясига доир асарлар яратилди. Маҳоратли созандалар, бастакорлар ва ҳофизлар етишди. Абдуқодир Найий, Қулмуҳаммад Шайхий, Хусайн Удий, Шоҳқули Ғижжакий, Аҳмад Қонуний, Юсуф Андижоний кабилар шулар жумласидандир. Улуғбек, Жомий, Навоий ва Биноийлар мусиқа илмига оид асарлар ёзиб янги куйлар ижод қилдилар. IX-XIII асрларда шаклланган 12 мақом бу даврда такомиллашди. Шунингдек, кенг оммага мўлжалланган театрлашган томошалар, халқ сайлларида масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, дорбозлар ўз санъатини намойиш қилган[9]. Айтиш мумкинки, бундай ижодкорлик ва бунёдкорлик ҳаркатлари ўзаро дўстлик, биродарлик ва ҳамкорлик маданиятлари уйғунлашувини юзага келтирган.

Темурйилар давридаги мусиқа ижодиёти (Пешрав, Савт, Нағма, Нақш, Суруд, Чангу) жанрлари ва (Наво, Навосоз, Навобахш, Достоннавоз, Навогар) ясама сўзлари билан бойитилди [10]. Бу эса ўз навбатида форс, араб ва туркий тиллар атамаларининг маданий истеъмолига кириб келди.

Ўша даврнинг тарихчиларидан бири Ҳофизи Абру Амир Темур саройида бўлиб ўтган тантаналарни “Шира овозли қўшиқчи ва моҳир чолғучилар форс тароналари арабча оҳангларда туркийчасига, мўғулча овоз билан Хитой қўшиқлари қонуниятларига ва олтойликлар ўлчамларига мувофиқ чалишган, куйлашган”[11]лигини ўз асарида қайд этади. Бундан кўринадики, Амир Темур ҳар бир соҳага алоҳида эътибор билан ёндашган тарзда турли миллат ва элат маданиятларини уйғунлашувига эътибор қаратганлигини кўриш мумкин.

Бу даврда Амир Темур давлати таркибига кирган ва таъсири остида бўлмаган мамлакатлар ўртасида маданий алоқалар тез ривожландик, бундай алоқалар маънавий бойликларни ўзаро



алмashiшга кенг йўл очиб берди. Эрон, араб мамлакатлари, Хиндистон, Хитой каби мамлакатлар билан бўлган алоқаларда маданий алоқалар алмашинуви юзага келди.

Амир Темур ва темурий шахзодалар ўз даври тарихини ёзиб қолдириш, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг мўғуллар зулмидан озод этилиши тарихини ўрганиш ва ёритишга катта эътибор бердилар. Низомиддин Шомий, Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Хофизи Абру, Натанзий, Фосих Хавофий, Муйниддин Исфизорий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар темурийлар даври тарихини ёзиб қолдирдиларки, улар ёзиб қолдирган асарлар ҳозирда биз учун маданий юксалишини ўрганишда, муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмокда.

Амир Темур ва темурийлар давлати деярли бир ярим аср давомида айниқса, Марказий Осиё тарихида ниҳоятда кўп, серқирра, ранг-баранг маданий - маънавий бойликларни яратишга, ҳалқ ижоди ривожи учун туркий ва бошқа маҳаллий ҳалқлар маданияти тарихида тамоман янги, узоқ асрларга озуқа берган қатламлар, ҳақидаги саҳифалар ижтимоий-маданий яқдилликдан хабар беради.

Марказий Осиёда маданиятнинг ривожланишига қўшни мамлакатлар билан маданий алоқалар муҳим рол ўйнади. Айниқса, Марказий Осиё ва Эрон ўртасида қадимдан мустаҳкам алоқа ўрнатилган бўлиб, XIV - XV асрларда бу икки давлат ўртасида иқтисодий, маданий алоқалар ҳам кучая бошлади. Бу даврда Хитой билан ҳам алоқалар мустаҳкамланиб борди. Шоҳруҳ мирзо даврига келиб, Хиндистон билан ҳам алоқалар ўрнатилди. Темурийлар даврида маданият янги босқичга кўтарилиб, Марказий Осиёда қадимги юонон ва ҳинд олимларининг фалакиёт, риёзиёт, тиббиёт, кимё ва бошқа фан соҳаларидаги тадқиқотлар кенг тарқалди.

Хорижнинг кўплаб мамлакатлари театр саҳналарида Амир Темур ва темурийлар сиймоси йиллар давомида тушмай келган. Европа тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 1000 га яқин китоблар ёзилган, кўпдан-кўп суратлар ишланган. Дунёга машхур Амир Темур ва темурийлар даври маданияти жаҳон ҳалқлари қалбидан муносиб ўрин олди [12].

Шундай экан, бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур ва темурийзодалар давридаги маданият ва санъатнинг ривожланиши бутун жаҳон маданиятининг тараққиётига улкан хисса қўшганлигини гувоҳи бўламиз.

Амир Темур салтанатининг нафақат сиёсий, ҳарбий, иқтисодий балки маданий-маърифий жиҳатдан ҳам негизлари мустаҳкам бўлган. Чунки Амир Темур бобомиз ўзлари ўқимишли, саводхон ва маърифатпарвар раҳбар сифатида олиму

уламолар, зиёли, истеъдод эгаларини қадрига етган. Бу Амир Темур салтанатида ўзбек ҳалқи ва турли миллат-у, элат маданий ҳамкорлиги мисолида қадимий мозий булоқларининг маънавий манфаат топганлигидан яна бир далолатdir[13].

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Амир Темур даврида асос солинган улкан салтанатда барқарор тинчликнинг ўрнатилиши натижасида, мазкур салтанат таркибиға кирган ҳалқларнинг ўзаро маданий муносабатларга киришишига жуда катта замин ҳозирлади. Шунингдек, IX-XII асрлардаги Шарқ ренессанси Амир Темур ва темурийлар замонасида яна қайтадан уйғонди. Бу жараён кейинчалик ҳақли равишда Шарқнинг “янги уйғониш даври” сифатида тарихдан жой олди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Амир Темур. Темур тузуклари. – Т.: Фан ва технология, 2014. – Б.
2. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор ҳалқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъруза // Ҳалқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь.
3. Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. 34-бет.
4. Маданиятшунослик. –Т., 2017. 133-143 бетлар.



5. Ўша манба.
6. Ташканбаев Х. Амир Темур ва темурийлар даврида санъат ва маданият //<http://shosh.uz>
7. Шарафиддин Али Яздий. “Зафарнома”. – Т.: “Шарқ” нашриёт-мабаа концернининг Бош таҳририяти. 1997. 11-бет
8. Ўша манба
9. Маънавият юлдузлари. Т., 1999, 15-20 бетлар.
10. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. Андижон, Мерос. 1995. 518-519
11. бетлар.
12. Бобурнома. Т. 1948.100-б
13. Халқ сўзи. -1996.-27 октябрь.
14. Султонов А. Амир Темур даврида мусикий ҳаёт. ФарДУ. Илмий хабарлар журнал 4. 2005. 65-66 бетлар.

